

Рамазон манзаралари (Тўртинчи бағишлов)



11:41 / 13.06.2017 3371

Моҳи Рамазоним, сен нафақат бошимизга соябонсан, балки Аллоҳ берган ҳозик табибимиз ҳамсан. Сен нафақат руҳимизни, балки жисмимизни ҳам даволайсан. Руҳимиз тақвога юз бурса, жисмимиз соғлиққа юз буради. Ажабо, одамлар соғлиғим яхши бўлсин деб турли-туман таомларни ихтиёр қиладилар. Сен бўлса, таомга бўлган ўша ихтиёрни олиб қўйиб, очлик билан даволайсан. Бу бориб турган мўъжиза эмасми? Менинг содда тушунчам бўйича сурункали томчи тошни тешиб ўтганидек, сурункали таомланишлар ҳам инсоннинг азойи баданини илма тешиқ қилиб юборса керак-да! Жигар, буйрак, юрак атрофини ёғ босиб, хотира ва зехн катаклари зарарли тузлар, чиқиндилар билан тўлиб қолса керак-да! Натижада ҳозирдан хотирам паст, юрак қурғур чатоқ деб, нолиб юрамиз.

Бир китобда ўқиганим бор. Бир маҳбус, ўзига чиқарилган ҳукмдан норози бўлиб, очлик эълон қилади. Туз тотмай ётаверади. Ҳатто таомсизлик, сувсизликдан ўлиши мумкин бўлган муддатдан ҳам ўтади. Шунда қамоқхона нозири, бу ҳойнаҳой муттаҳамлик қиляпти, бизларни алдаяпти, деб уни текширтиради. Дўхтир зонд юттириб, уни кўрикдан ўтказди. Агарда алдаётган бўлса, уни олдингидан ҳам оғирроқ жазо кутаётган бўлади. Шунда дўхтир унга:

Агарда очликни яна икки кунга чўза олсангиз, ошқозонингиздаги саратон касалидан мутлақо қутиласиз. Яра ўрни битиб кетади, – дейди.

Ҳикояни ўқиб, шу заҳоти Рамазонгинам, сени эсладим. Сен жисми жонларнинг даволайдиган улкан шифохонага ўхшайсан. Ўттиз кун давомида, ўх-ҳў... неча миллиард одамни ўз кўригингдан ўтказасан, даволайсан. Буни биз руҳимиз ва жисмимизнинг қушдек енгил тортганидан билиб оламиз. Мана сенинг ҳозик табиблигинг. Буни билганлар ва сенга муҳаббат қўйганлар муродига, етсинлар.

Эркин Малик